

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/30/2.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНОВ ЭРХАН

АЦЕТИЛЕН ОКСИ- ВА АМИНЛИ ҲОСИЛАЛАР АСОСИДА ЯНГИ
ПОЛИФУНКЦИОНАЛ БИРИКМАЛАРНИНГ КАТАЛИТИК
СИНТЕЗИ, ХОССАЛАРИ

02.00.03 - Органик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of abstract of doctor of sciences (DSc)

Тургунов Эрхан

Ацетилен окси- ва аминли ҳосилалар асосида янги полифункционал бирикмаларнинг каталитик синтези, хоссалари 3

Тургунов Эрхан

Каталитический синтез, свойства новых полифункциональных соединений на основе ацетиленовых окси- и аминсоединений..... 27

Turgunov Erkhan

Catalytic synthesis, properties of new polyfunctional compounds based on acetylene hydroxy and amino derivatives..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc03/30/2.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНОВ ЭРХАН

**АЦЕТИЛЕН ОКСИ- ВА АМИНЛИ ҲОСИЛАЛАР АСОСИДА ЯНГИ
ПОЛИФУНКЦИОНАЛ БИРИКМАЛАРНИНГ КАТАЛИТИК
СИНТЕЗИ, ХОССАЛАРИ**

02.00.03 - Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/К6 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ik-kimyo.nuu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Нурманов Суванкул Эрханович,
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:
кимё фанлари доктори, профессор
кимё фанлари доктори, профессор
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги **DSc03/30/2.2019.К.01.03** рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "____" _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (99871) 246-07-88; факс: (99871) 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100104, Тошкент, Университет кўчаси 4, Тел.: (99871) 246-07-88, 227-12-24. Факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т.Шарипов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор.

Д. А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

А.К.Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., профессор.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати. Бугунги кунда жаҳонда ацетилен ва унинг ҳосилалари асосида кўпгина қимматли кимёвий моддалар синтез қилинган, баъзилари эса саноат миқёсида ишлаб чиқарилмоқда. Таркибида ацетилен, винил гуруҳи билан биргаликда азот, галоген каби функционал гуруҳлар тутган бирикмалар кўплаб эксплуатацион хоссаларга эга. Бундай моддалар биологик фаол бирикмалар сифатида медицинада, қишлоқ хўжалигида кенг қўламда қўлланилади. Ундан ташқари улар асосида ацетилен гуруҳини кимёвий ўзгартириш орқали кўп сонли бирикмалар олиш мумкин.

Жаҳонда ацетилен спиртлари ва диоллари, аминоспиртлари синтези, уларни гомоген ва гетероген соҳаларда каталитик реакцияларини амалга ошириш, ацетилен спиртларини галогенланишини ўрганиш, галогенгидринлар синтезига эритувчилар ва катализаторлар таъсирини аниқлаш, моддалар стереокимёсини тадқиқ қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан ацетилен спиртлари синтезида турли хил катализаторларни қўллаш, уларни самарадорлик қаторини аниқлаш ва улар асосида турли биологик фаол моддаларни олиш бўйича илмий тадқиқотлар кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда кимё, айниқса нефт-газ соҳаларига замонавий технологияларни киритиш, модернизация қилиш ва улар асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосланган кўплаб йирик корхоналар ишга туширилди. Айниқса, саноат миқёсида ацетилен углеводородлари ва элемент органик бирикмалар асосида полимерлар, пластик материаллар, эритувчилар, пестицидлар, гармонлар, антибиотиклар, елим ва лок-бўёқларни энергия ва ресурс тежамкор технологиялар бўйича ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Ацетилен бирикмалар асосида галогенли спиртлар, гетерофункционал бирикмаларни синтез қилиш усуллари самарадорлик қаторини, реакция механизмларини таклиф этиш ва маҳсулот унумига таъсир қилувчи омилларни тизимли таҳлил қилиш, жараёнларни боришини бошқариш ва назорат қилишни илмий асослаш, қўлланилиш соҳаларини топиш долзарб вазифалардан ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони¹ ва 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сонли Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ацетилен аминоспиртлари ва уларни ҳосилаларини синтез қилиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва қўлланилиш соҳаларини кенгайтиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Delft University of Technology (Нидерландия), Institute of Bio-Chemistry (Германия), Institute of Organic Chemistry (Дания), University of Ferrara (Италия), University of Lyon (Франция), Federal University of Campina Grande (Бразилия), West Virginia University (АҚШ), The University of Tokyo (Япония), University of Gulbarja (Ҳиндистон), Ain Shams University (Миср Араб республикаси), Christchurch University of Technology (Янги Зеландия), Korea Institute Science and Technology (Жанубий Корея), Institute of Organic Chemistry ва Institute of Organoelement Compounds (Россия), Aristotle University of Thessaloniki (Греция), Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент кимё-технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ацетилен спиртлари, уларнинг ҳосилалари синтези ва ишлаб чиқариш технологияларини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: ацетилен аминоспиртларини турли хом-ашёлар, эритувчи ва катализаторлар асосида синтез қилинган, уларни ишлаб чиқариш технологиялари яратилган (Бразилия, Корея), ишқорий металллар, ишқорлар, комбинирланган оғир металллар, минерал тузлар ва нанокатализаторлар ёрдамида синтез қилинган (Греция, Япония); ацетилен ва унинг гомологлари, элемент органик бирикмалар асосида спиртлар олиш технологиялари яратилган (Россия, Австрия); ацетилен спиртлардан кимё, фармацевция ва нефт-газ саноатида турли мақсадларда: резина, елим ва пластмассаларни олишда фойдаланилган (Ҳиндистон, Германия, Италия; Франция).

Дунёда АС ва ҳосилаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда: АС ни синтез қилишда $\text{Et}_2\text{O}+\text{PhMe}+\text{Hex}$, $\text{TiCl}_4/\text{Me}_2\text{S}$, $\text{Et}_3\text{N}/\text{Zn}(\text{OTf})_2$, $\text{Ti}(\text{OiPr})_4$ ва $\text{Cl}_2\text{Ti}(\text{OPh})_2$ нанокатализаторни қўллаш; АС ишлаб чиқаришда нефт-газ ва кимё саноати чиқиндиларидан фойдаланиш; АС дан фармацевтик препаратлар (витаминлар, гормонлар, антибиотиклар, антибактериологик биоцидлар) ишлаб чиқишда биологик фаол моддалар сифатида, улар асосида эса полимер, резина-каучук ва молекуляр

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://WWW.scolar.google.com>, <http://WWW.sciencedirect.com>. ва бошқа манъбалар материаллари асосида тайёрланган.

электроника наноматериаллари олишда янги тикувчи агентлар авлодини яратиш устида илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ацетилен бирикмалари кимёси, физикаси, технологияси ва қўлланилиши бўйича республикамизда Ф.К. Курбанов томонидан ацетилен аминларини металллар коррозиясига қарши ингибиторлик хоссалари ўрганилган. Д.А.Юсупов ацетилен углеводородлари асосида янги комплексонлар, ионалмашувчи смолалар, туз қатлам ва коррозияга қарши ингибиторлар синтез қилган ва уларни саноатда қўллашга жорий этган. А.Г.Махсумов раҳбарлигида пропаргил спирти асосида хилма хил тузилишдаги мураккаб гетереоатом тутган бирикмалар синтез қилинган, уларнинг тиббиётда қўлланилиш соҳалари аниқланган. Т.С.Сирлибоев ва Б.Ф.Мухиддиновлар томонидан молекуласида фаол водород тутган органик бирикмаларни виниллаш реакцияларининг технологияларини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. А.И.Икромов томонидан ацетилен углеводород-ларини гетероген-каталитик системалар иштирокидаги аммонолизи тадқиқ қилинган.

Хорижда ушбу йўналишда И.Л.Котляревский, М.С.Фишерлар томонидан ароматик диацетилен бирикмаларни оксидлаш усулида олиш кимёси ривожлантирилган, ацетилен асосида Т.М. Бабаян томонидан ацетилен аминларини тўртламчи тузларини галогенланиши, Қозоғистонда И.Н. Азербайев, К.Б. Ержанов томонидан пиперидинни ацетиленли бирикмалари кимёси ва уларнинг ўсимликларга таъсири ўрганилган, А.В. Щелкунов ацетилен спиртлар синтези ва уларни стимуляторлик хусусиятларини аниқлаган, М.Ф.Шостаковский, Б.А.Трофимовларнинг илмий ишлари винил эфирларни юқори асосли системалар ёрдамида синтез қилишга бағишланган. О.Н.Темкиннинг илмий изланишлари эса ацетилен бирикмаларни ҳосил бўлиш кинетикасини тадқиқ қилишга бағишланган, И.Н.Назаров, Л.И.Бергелсон, А.А.Петровлар томонидан таркибида қўшбоғ ва ацетилен боғи тутган бирикмаларни галогенлаш реакциялари ўрганилган, Новосибирскда бетулон кислотасини ацетиленли ҳосилалари синтези амалга оширилган ва улар асосида триазолли бирикмалар олиниб, турли касалликларга қарши доривор воситалар сифатида таклиф этилган. Л.В.Снегур элемент органик бирикмалар асосида тўйинмаган спиртлар олиш технологиясини яратиш устида илмий изланишлар олиб борган. А.А.Фригнани ацетилен спиртлар асосида металллар коррозиясига қарши ингибиторлар яратган. М.Ф.Родригес нефть маҳсулотларидан алкинларни ажратиб олишда гетероген катализаторларнинг ролини таҳлил қилган. С.С.Фросе нефть микроорганизмлари ва уларга қарши препаратлар ишлаб чиққан. М.Виггерс ацетилен бирикмалари асосида резина, елим ва пластмассаларни эритувчи препаратлар ишлаб чиқаришни, Ж.Окава АС ни нанокатализаторлар иштирокида синтез қилишни, М. Али Хассан литий бутилат катализаторлари иштирокида АС ни юқори унумда олиш технологиясини биринчилардан бўлиб киритган. Е.Ж.Корей ацетилен ва унинг гомологлари асосида олинадиган мономерларнинг резина саноатида, Р.В.Ваннорт АС нинг медицинада, Юменг Хи нефть-газ саноатида

қўлланилишини исботлаб берган, Б.А.Кулкарни эса ацетилен бирикмаларнинг замбуруғларга қарши биологик фаоллигини ўрганиш орқали ушбу йўналишнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ацетиленнинг гетероген ўзгаришлари учун маҳаллий хом ашёлар асосида катализаторлар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари» (Ф7-13-ОТ-012420, 2012-2014 йй.), «Коррозияга қарши янги авлод биоцидлари технологиясини ишлаб чиқиш ва «Ўзбекнефтегаз» МХК нефть корхоналарида саноат тажриба синовидан ўтказиш» (КА6-001, 2012-2014 йй.) “Винил эфирлар синтезида юқори асосли ва нанотузилишли системаларни қўллашнинг илмий асослари, олинган бирикмаларнинг хоссалари” (Ф-7-52, 2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ацетилен спиртлари ва аминларини галогенлаш, оксидлаш, уларни ацетилен-аллен гуруҳланиши, кўп компонентли оксидли катализаторлар иштирокидаги гетероген-каталитик ўзгаришларини тадқиқ қилиш ва синтез қилинган бирикмаларни хоссаларини ҳамда қўлланиш соҳасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Фаворский, Реппе, Гриньяр-Иоцич ва Зандмеер реакциялари ёрдамида ацетилен углеводородларга альдегид ва кетонларни таъсир эттириш орқали бирламчи, иккиламчи ва учламчи ацетилен аминларини каталитик синтез қилиш;

олинган ацетилен спиртларини изомерланиши ва дегидратациясини тадқиқ қилиш;

алифатик ва арилалмашинган ацетилен спиртлари ва уларнинг дивинил ҳосилаларини, винилацетилен бирикмаларни эритмаларда галогенлар билан реакцияларини ўрганиш, реакция кинетикаси ва механизмларини таклиф қилиш;

ацетилен аминларини галогенлар билан тўртламчи тузлари ҳосил бўлишини асослаш;

ацетилен гликоллари дегидратацияси натижасида олинган ацетилен моно- ва дивинил ҳосилаларни галогенлаш, гетероатомли бирикмалар синтезининг қулай усулларини ишлаб чиқиш;

турли катализаторлар иштирокида ацетилен аминоспиртларини гидрирлаш реакцияларини тадқиқ қилиш;

ацетилен спиртларини аммиак билан оксидли катализаторлар иштирокида гетероген-каталитик конденсациясини ўрганиш, жараёни математик моделлаштириш ва бориш механизминини таклиф қилиш;

ацетилен аминобирикмалари ва улар асосида олинган моддаларнинг биологик хоссаларини реал объектларда тадбиқ этиш бўйича таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти: ацетилен, фенилацетилен, бирламчи, иккиламчи ва учламчи ацетилен спиртлари, ацетилен аминоспиртлари, ацетилен моно- ва диаминлари (пропаргиламинлар), ацетилен диоллари, галогенгидринлар. Фаворский, Реппе, Гриньяр-Иоцич ва Зандмеер реакциялари, гетероген-каталитик, электрофил бирикиш ва нуклеофил алмашишиш реакциялари.

Тадқиқот предмети пропаргил спирти, диметилэтинилкарбинол, метилэтилэтинил-карбинол, улар асосидаги ацетилен диоллари, ацетилен аминоспиртлари, диметиламин, диэтиламин, пиперидин, морфолин, бром, хлор, никель-хром-алюминийли ва алюминий-никелли катализаторлар ва уларнинг фторланган ҳосилаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гомоген ва гетероген катализ, ҳайдаш, қуритиш, филтрлаш, гидролиз, экстракция, сепарация, спектроскопия, квант-кимёвий ва элемент таҳлили, хроматография, биологик ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Ацетилен ва фенилацетиленни карбонил бирикмалар билан Фаворский, Реппе, Гриньяр-Иоцич ва Зандмеер реакциялари асосида бирламчи, иккиламчи, учламчи ацетилен спиртлари ва мос равишда ацетилен диоллари синтез қилинган;

илк бор *n*-алмашинган ароматик кетонларни PCl_5 билан таъсири натижасида ароматик дихлор алмашинган ҳосилалари, уларни калий этилат билан реакцияси натижасида мос равишдаги *n*-алмашинган ароматик ацетилен бирикмалари синтез қилинган;

олинган Манних асосларининг ацетилен боғига сирка кислота эритмасида галогенларни электрофиль бирикиши натижасида транс-дигалогенли янги ҳосилалари олинган, ацетилен аминларни галогенланишидан пергалогенидлар ҳосил бўлиши аниқланган;

винилацетилен карбиноллари қайта гуруҳланиши ва оксидланишга мойиллиги аниқланган;

синтез қилинган этилен карбиноллари дигалоидли ҳосилалари осон дегидратацияланиб дигалоидли дивинил бирикмаларни ҳосил қилиши тасдиқланган;

ацетилен спиртларини аммиак билан гетероген-каталитик реакциялари кўп компонентли оксидли катализаторлар иштирокида тизимли ўрганилган ва пиридин асослари ҳамда пиррол ҳосилалари ҳосил бўлиши аниқланган;

синтез қилинган ацетилен аминоспиртлари, моно ва диаминларининг мис (II) ва темир (III) ионлари билан координацион бирикмалар ҳосил қилишда самарали лигандлар эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фенилацетилен ва диэтанолламиндан Манних реакцияси асосида олинган 1-фенил-3-диэтанолламинопропин-1 нинг иккита гидроксил гуруҳини хлорга алмаштиришдан ҳосил қилинган моддани онкологик касалликларга қарши фаоллиги аниқланган;

1-пиперидино-4-метилгексин-2-ол-4 нинг дихлорли тўртламчи тузининг маккажўхори майдонларида гербицидлик хусусияти аниқланган;

ацетилен аминлари таркибига сирка кислота эритмасида галогенларни каталитик электрофил бирикиши натижасида ацетокси ҳосилалар ҳосил бўлиш усули ишлаб чиқилган;

ацетилен аминлари таркибига галогенлар киритилиши натижасида учбоғнинг галогенланиши билан бир қаторда унинг таркибидаги охириги ацетилен водороди ҳам галогенга алмашилиши аниқланган;

ацетилен аминларини таркибига галогенлар киритилиши натижасида ҳосил қилинган моддаларнинг бактерицидлик хусусиятини намоён қилиши аниқланган ва муаллифлик гувоҳномаси олинган;

ацетилен спиртларининг кўп компонентли оксидли катализаторлар иштирокида аммиак билан гетероген-каталитик таъсирлашиши натижасида турли пиридин асослари ва пиррол ҳосилалари олиш усули ишлаб чиқилган;

синтез қилинган диметилэтинилкарбинол металллар коррозиясига қарши ингибитор сифатида қўлланилган;

таркибида галоген тутган этилен қатори аминоспиртлари ва аминлари бактерицидлар сифатида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олиб борилган эксперимент натижалари Hyper Chem Activation 7,0 пакети STAT дастури ёрдамида математик моделлаштирилган, синтез қилинган бирикмаларнинг тозалиги Хром-4 хроматографида аниқланган, тузилиши эса ИҚ-, ПМР-, ЯМР-, Tesla BS 567A (100МГц) масс-спектрида, Specord IR-75 ва Varian ЯМР 100, 200, 400 мгц спектрофотометрларида исботланган, таркиби элемент анализ қилинган, электрон тузилиши ва квант-кимёвий катталиклари ACDFREE12 дастурида тадқиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ацетилен спиртлари, аминоспиртлари, аминлари ва улар асосидаги галоген тутган бирикмалар ва пиридин асосларини олишда жараёнларнинг боришида эритувчи ва фаол катализаторлар танланиши, реакция боришига босим, ҳарорат ва реакция давомийлиги, бошланғич моддалар тузилиши, радикалларнинг фазовий жойлашувини маҳсулот унумига таъсирлари илмий изоҳланишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган бирикмаларнинг пахта ва маккажўхори ўсимликларини ўсишини тезлаштирувчи ёки гербицидлик хоссаларига, баъзилари эса, масалан 4-пиперидинобутин-2-ол-1 нинг галогеноний тузи мақажўхори ҳосилдорлигини 3,4 ц/га ва нутни 2,8 ц/га ошириш хоссасига эгаллиги билан изоҳланади. Бундан олинган иқтисодий самара гектаридан 3 ва 3,5 миллион сўмга тенг. Ундан ташқари синтез қилинган бирикмаларни пўлатни водород сульфидли коррозиясига қарши фаол ингибитор сифатида қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ацетилен спиртлари ва ҳосилалари синтези, уларни хоссаларини тадқиқ қилинишидан олинган натижалар асосида:

- ацетилен спиртларини олиш усулига Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти (№IAP05066, 21.07.2015 й.) олинган. Натижада ацетилен спиртлари унумини оширишга эришилган;

- ацетилен аминларини фторли каучукларни термостабиллашига муаллифлик гувоҳномаси (№1767849, 8.06.1992 й.) олинган, Натижада каучукларни юқори ҳароратларда парчаланмаслигига эришилган;

- пиридин асосларини янги кўп компонентли катализаторлар иштирокидаги синтезига Ўзбекистон Республикасининг ихтирога патенти (№IHDP9500844.1/ГФ. МКИ 6C07D213/08, 07.09.1995 й.) олинган. Бунда пиридин асосларини юқори унум билан ҳосил қилишига эришилган;

- олинган юқори самарали ингибиторлар “Электрокимё” АЖда нейтрал муҳитда синовдан ўтказилган ва жорий қилинган (“Электрокимё” АЖнинг 29 январь 2019 йилдаги №55 –сонли маълумотномаси). Натижада нейтрал муҳитда қўлланиладиган металл қурулмаларининг ишлаш муддати узайишига эришилган;

- синтез қилинган аминспиртлар ва уларнинг тўртламчи тузлари “Электрокимё” АЖда водород сульфидли муҳитда металллар коррозияси ингибитори сифатида амалиётга жорий қилинган (“Электрокимё” АЖнинг 29 январь 2019 йилдаги №55 –сонли маълумотномаси). Натижада водород сульфидли муҳитда қўлланиладиган металл қурулмаларининг коррозиядан химояланиши 94 % бўлишига эришилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 5 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 77 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 дарслик, 2 патент, 5 муаллифлик гувоҳномаси, 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 17 та, жумладан 10 та мақола республика ва 7 та мақола ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг “Ацетилен бирикмаларнинг синтези ва хоссаларини ўзига хос хусусиятлари” номли биринчи бобида ацетилен бирикмаларни синтези ва хоссаларига оид адабиёт таҳлили келтирилган бўлиб, унда ацетилен ва унинг ҳосилалари асосида ацетилен спиртлари синтези, галогенли бирикмалар олиш ва ацетилен спиртларининг аммиак билан гетероген каталитик реакцияси натижасида турли гетерохалқали бирикмалар олиниши ёритилган.

Диссертациянинг “Ацетилен спиртлари, аминоспиртлар ва аминларнинг ҳамда улар асосида олинган маҳсулотларнинг синтези ва хоссаларини ўрганиш” номли иккинчи бобида олинган натижалар ва уларнинг таҳлили келтирилган. Маълумки, ацетилен спиртларидаги водород кислотали хоссага эга ва шунга кўра металл ионига алмашилиши мумкин, натижада ҳосил бўлган металлоорганик бирикма турли моддалар билан реакцияга киришади.

Ацетилен спиртлари синтези


Карбонил бирикмаларни ацетилен билан таъсирлашиши натижасида тегишли ацетилен спиртлари ва ацетилен диоллари (АД) ҳосил бўлади, АСларнинг биринчи вакили пропин-2-ол-1 (ПС) ва АД бутин-2-диол-1,4 Реппе реакцияси асосида формальдегид ва ацетиленни 70-100°C ҳароратда 38,4- ва 32,8% унумларда маҳаллий минерал (Al₂O₃ -10,34; Fe₂O₃ -10,61; СаО-1,06; MgO-2,37; TiO -0,44; Mn₂O₃; SiO₂-46,65; 12,6-CuO) асосида унинг таркибидаги мис миқдорини 20-40% оширилган катализатор иштирокида синтез қилинди.

Иккиламчи ва учламчи АС синтези ацетиленни карбонил бирикмалар (КБ): ацетон, метилэтил кетон ва изо-мой альдегиди билан КОН катализатори иштирокида амалга оширилди:



бу ерда: R=R'=-H (I,V); R=R'=-CH₃ (II,VI); R=-CH₃, R'=-C₂H₅ (III, VII); R=-H, R'=-CH(CH₃)₂.

Винил ацетилен спиртлари (ВАС) синтези бошланғич модда - кротон альдегидининг Гриньяр-Йоцич реакцияси ёрдамида ацетилен бирикмалар билан диэтил эфири эритмасида магний этилбромид таъсирида олиб борилди:




бу ерда R=-H ёки -C₆H₅.

Реакция маҳсулоти XI калий метилат билан этил спирти эритмасида қайнатилиши натижасида гидроксил гуруҳини молекуланинг охирига кўчиши кузатилади ва ВАС-XII ҳосил бўлади:




Бу ҳолат молекуланинг SN₁ аллил қайта гуруҳланиши ҳисобига амалга ошиши маълум бўлди:



Анилин асосида олинган диазоний тузини учламчи ацетилен спиртлари билан Зандмеер реакцияси шароитида таъсирлашуви фенил алмашинган АС ҳосил бўлиши ўрганилди.


Сирка альдегиди олиш жараёнида чиқинди сифатида ҳосил бўладиган кротон альдегиди асосида олинган ВАС-гексен-4-ин-1-ол-3нинг мис(І)хлорид иштирокида ҳаво кислороди ёрдамида оксидланиши натижасида додекадиен-2,10-диин-5,7-диол-4,9 (XVII) 58% ва додекадиен-3,9-диин-5,7-диол-2,11 (XVIII) 32% унумларда ҳосил бўлади:




Диацетиленли ҳосилалар бир биридан суюқланиш ҳароратлари билан фарқланади, улар ҳам реакция жараёнида қайта гуруҳланишга учраши кузатилади.

Аминоацетилен спиртлари синтези


АС Cu₂Cl₂ ёки Cu(CH₃COO)₂ катализаторлари иштирокида n-диоксан эритмасида параформ ва иккиламчи аминларнинг эквимольяр миқдори билан конденсация қилинди. Ушбу реакция натижасида тегишли ААС қуйидаги схема асосида олинган:



Синтез қилинган 14та ААСлардан 4 таси янги, унумлари 48-67% оралиғида. Cu₂Cl₂ иштирокида 3-метил-6-(пиперидин-1-ил)гекс-4-ин-3-ол синтези мисолида АС аминометиллаш кинетикаси ўрганилди. Ушбу реакциянинг фаолланиш энергияси (E) 3,25 кДж/мольни ташкил этади, бу ишлатилган катализаторни юқори фаоллигини кўрсатади. АС аминометилланиши қуйидаги схема асосида амалга ошиши таклиф қилинди:




Диметилэтинилкарбинолнинг N, N, N', N'-тетраметилметандиамин, N, N, N', N'-тетраэтилметандиамин, дипиперидин-1-илметан, диморфолинометан билан ўзаро таъсирлашиши натижасида олинди. Реакция толуол эритмасида 98-100⁰С ҳароратда 8 соат давомида қиздирилиши натижасида қуйидаги схема асосида амалга ошади:




Ацетилен аминлари (пропаргиламинлар AA) синтези

AA ларни олишда иккита усул ишлатилган: а) Фаворскийнинг тескари реакцияси асосида синтез қилинган ААСларни парчалаш асосида тегишли AA олинди:




бу ерда (R)₂=(CH₃)₂ (XXXVIII); -(C₂H₅)₂ (XXXIX); -(CH₂)₅-(XL); -(CH₂)₂O(CH₂)₂-(XLI). Реакция 120-130⁰С ҳароратда 1-4 соат давом этади. ААларнинг унуми анча юқори ва 70-78% ни ташкил этади. Уларнинг E қийматлари мос равишда 6,06-6,49 кДж/моль эканлиги ҳисобланди. Бу эса жараёнда S_NI механизм асосида ААСларнинг парчаланиши натижасида алкоголят ҳосил бўлишини кўрсатади.

б) қуйидаги схема асосида синтез қилиб олинган алмашинган фенил-ацетиленлар асосида AA олиш:



бунда R=-H (XLVI-XLIX); -CH₃ (L-LII); -OCH₃ (LIII-LV); -Cl (LVI); -N(CH₃)₂ (LVII).

Синтез қилинган XLII-XLV бирикмалар Манних реакцияси асосида мис(I)хлорид катализатори иштирокида параформ+иккиламчи аминлар жуфтлиги билан таъсирлаштириб тегишли ААлар олинди:




бу ерда R=-CH₃ (XLII); -OCH₃ (XLIII); -Cl (XLIV); -N(CH₃)₂ (XLV); -N(R)₂=-диметиламино, -диэтиламино-, -пиперидино- ёки морфолино гуруҳлари.

Бунда 1-пиперидино-3-фенилпропин-2 ҳосил бўлишидаги E қиймати 5,7 кДж/мольни ташкил этади.

Ацетилен диаминлари синтези


1,4-бис-/ди(амино)/-бутин-2 типдаги ацетилен диамины (АДА), асосан, Cu_2Cl_2 катализатори иштирокида ААларнинг параформ ва иккиламчи аминлар билан ўзаро таъсирлашиши натижасида (Манних реакцияси) олинган:



LVIII-LXI

бунда: $(\text{R})_2 = -(\text{CH}_3)_2$ (LVIII); $-(\text{C}_2\text{H}_5)_2$ (LIX); $-(\text{CH}_2)_2\text{O}(\text{CH}_2)_2$ (LX); $-(\text{CH}_2)_5$ (LXI).

Барча ҳолатларда реакция п-диоксан эритмасида $90-95^\circ\text{C}$ ҳароратда 4-6 соат давом этади ва АДА унуми 70-90% га етади. Модификацияланган Реппе усулида АДА синтез қилиш имконияти мис монохлориди катализатори иштирокида $80-100^\circ\text{C}$ ҳароратда, реакция давомийлиги 4 соат бўлганда ацетилен билан параформ+иккиламчи аминлар конденсацияланиши натижасида тегишли АДА билан биргаликда қўшимча бирикмалар ҳосил бўлади:




Жараённинг E қиймати ($5,13$ кДж/моль) ҳисобланган ва бу одатда нуклеофил алмашилиш реакциялари энергияси қийматига тўғри келади.

Синтез қилинган барча АС, ААС, АА ва АДА ларнинг элемент таркиби, синдириш кўрсаткичлари, зичлиги, қайнаш ва суюқланиш ҳароратлари аниқланди, уларнинг тузилишлари ИҚ- ва ЯМР спектрлар асосида тасдиқланди.


Диссертациянинг “**Ацетилен бирикмалари хоссаларининг тадқиқи**” мавзусидаги **учинчи боб**да синтез қилинган ацетилен бирикмалар, яъни АС, ААС, ПА ва 1,4-аминобутинларнинг $\text{C}\equiv\text{C}$ боғига галогенларни электрофил бирикиш жараёнлари тадқиқ қилинди.

Ацетилен спиртларини галогенлаш

а) ДМЭКни сувли сирка ва хлорид кислоталарда бромланиши стереоспецифик тарзда амалга ошади ва асосан транс-дибромвинилкарбинол ҳосил бўлишига олиб келади. Фотокимёвий бромланиш пайтида асосан цис-изомери ҳосил бўлади, кислотали муҳитда эса фақат транс-изомерини олиш мумкин:




ДМЭК ва МЭЭКни галогенланиши хлорид кислотанинг сувли эритмасида (0,01 н) амалга оширилди:




бу ерда R=-CH₃, -C₂H₅; X=-Br, -Cl.

б) Синтез қилинган арилАС 30°C ҳароратда ССl₄ эритмасида бромланиши ва хлорланиши натижасида 68-80% унум билан тегишли цис- ва транс-дигалоидгидринлар ҳосил қилинган, уларнинг тузилиши ПМР- ва ИҚ-спектрлар ёрдамида исботланган:



Ароматик дивинилбирикмаларни галогенли ҳосилалари

Синтез қилинган ААС (XIII-XVI)ларни сульфат кислотанинг суюлтирилган эритмаси (0,5%) билан ишлов берилиши натижасида тегишли дигалоген алмашинган дивинил ҳосилалари синтез қилинди:




бу ерда R=-CH₃, R'=-H (LXXXVI); -CH₃ (LXXXVII); -C₃H₇ (LXXXVIII); -C₅H₁₁ (LXXXIX); R=-CH₃, R'=-H (LXXX); X=-Br, -Cl.

Аниқланишича транс-1,2-дигалогенли ҳосилалар осон дегидратацияланади, аммо уларнинг цис-ҳосилалари ўзгаришларга учрамайди. Олинган бирикмаларнинг индивидуаллиги ва тузилиши ГСХ ва ИҚ-спектрлар асосида аниқланди.


Винилацетилен спиртларни (ВАС) галогенланиши

Кротон альдегиди асосида синтез қилинган ВАСнинг бромланиши тадқиқ қилинди ва бунда унинг тегишли тетрабромли бирикмалари ҳосил бўлиши аниқланди. Улар ўз навбатида қайта гуруҳланишга учрайди ва C₆H₈Br₄O таркибли изомерларини (LXXX-LXXXI) беради:




Ацетилен аминоспиртларини галогенлаш

Ацетилен аминоспиртлари (ААС) (XX-XXXII) 0-10⁰С ҳароратда диэтил эфири, ацетон, ССl₄, бензол эритмаларида галогенлар (хлор ва бром) билан реакцияга киришади ва қуйидаги схемага мувофиқ тегишли галоид аммонийли тузлар ҳосил қилади:




бу ерда X=-Br, -Cl.

Бунда галогенларнинг $C\equiv C$ боғига бирикиши кузатилмайди. Азотнинг боғланмаган электрон булутлари sp^3 гибридланади ва фазовий йўналишига тўғри келади. Бундан ташқари азот атомини бўлинмаган электрон жуфти ва галогеннинг эркин 3- ёки 4d-орбитали туфайли кўшимча π -боғланиш мавжуд. Бунинг натижасида азот атомининг электрон жуфтлари галоген билан таъсирлашади:




ААС нинг ацетон эритмасидаги эквивалент миқдордаги газсимон HCl билан таъсири натижасида уларни гидрохлоридлари ҳосил бўлади:



Hyper Chem дастуридан фойдаланиб, молекуланинг атомларида зарядларнинг тақсимланиши аниқланди ва заряди -0.255 бўлган азот ўзининг электрон жуфтлари ҳисобига галогенлар билан бирикма ҳосил қилиши тасдиқланади.


Тўртламчи дигалоид аммоний тузлари бир вақтнинг ўзида галогеннинг тригалоид ионига солволизланишини рағбатлантирувчи катализатор ва потенциал электрофил $\equiv N \dots Br^- \dots Br^+ \dots Br^-$ ролини ўйнайди ва кутбланган галоген ионлари билан $C\equiv C$ таъсирлашиши асосида ҳосил бўлган π -комплекснинг барқарорлигидан далолат беради. Ҳосил бўлган маҳсулотларнинг унуми функционал гуруҳларни турига, ҳамда уларни учбоғга нисбатан жойлашган ўрнига ҳам боғлиқ.

Асос кўринишидаги ААСларни музли сирка кислота муҳитида галогенланиши натижасида транс-дигалоидли ҳосилалар, шунингдек, галоген ва эритувчини аралаш (биргаликда) бирикиш маҳсулотлари ва галоид ацетатли ҳосилалари олинган:



Кейинчалик эритмани натрий бикарбонат билан нейтралланиши натижасида галогенли асослар - **СII-CXXXV** ва ацетокси алмашинган галогенгидринлар - **СXXXVI-CXXXIII** ҳосилалари олинди. **СII-CXXXV** галогенли бирикмаларнинг ҳосил бўлиши реакция харорати ва давомийлигига боғлиқ. Бундан ташқари

ААСларни хлорланишида бромланишга нисбатан мақсадли маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши анча юқори (58-70%) эканлиги аниқланган. Худди шу шароитларда ААСларнинг бромли ҳосилаларини унуми 48-56%ни ташкил этади, ацетокси ҳосилалар **CXXVI-CXXXIII** унумлари эса 28-52% (1-Жадвал). Реакция давомийлиги 2-3 соатни ташкил этади. Ушбу жараёнда сув ёки метанолдан эритувчи сифатида фойдаланилиши сирка кислота каби аралаш маҳсулотларга олиб келиши аниқланди ва натижада оксиамино-кетонлар - **CXXXIV-CXXXV** реакция маҳсулоти сифатида олинди):




1-Жадвал

Синтез қилинган аминлар галогенгидринларининг ацетокси ҳосилалари

№	Бирикмалар номи	Брутто-формула	Унуми, %	Қ.т.. °С/ мм с.у.	n_D^{20}	d_4^{20}
CXXV	1-Диэтиламино-3-хлор-2-ацетокси-4-метилпентен-2-ол-4	$C_{12}H_{22}NO_3Cl$	52,0	105-106/12	1,5405	1,0150
CXXVI	1-Диэтиламино-3-хлор-2-ацетокси-4-метилгексен-2-ол-4	$C_{13}H_{24}NO_3Cl$	55,6	109-110/12	1,5490	1,1210
CXXVII	1-пиперидино-3-хлор-2-ацетокси-4-метилпентен-2-ола-4	$C_{13}H_{22}NO_3Cl$	54,5	115-116/12	1,5565	1,1395
CXXVIII	1-пиперидино-3-хлор-2-ацетокси-4-метилгексин-2-ола-4	$C_{14}H_{24}NO_3Cl$	57,0	118-119/12	1,5600	1,1405
CXXIX	1-Диэтиламино-3-бром-2-ацетокси-4-метилпентен-2-ол-4	$C_{12}H_{22}NO_3Br$	50,5	111-112/12	1,5800	1,1280
CXXX	1-Диэтиламино-3-бром-2-ацетокси-4-метилгексен-2-ол-4	$C_{13}H_{24}NO_3Br$	52,0	114-115/12	1,5905	1,1295
CXXXI	1-Пиперидино-3-бром-2-ацетокси-4-метилпентен-2-ол-4	$C_{13}H_{22}NO_3Br$	51,8	120-121/12	1,6105	1,1270
CXXXII	1-Пиперидино-3-бром-2-ацетокси-4-метилгексин-2-ол-4	$C_{14}H_{24}NO_3Br$	54,1	123-124/12	1,6220	1,1290


Умуман олганда ушбу шароитларда, бошланғич реагентларнинг ўзаро таъсири иккинчи даражали кинетик тенгламага бўйсунди. Таъкидлаш жоизки, ААС ва уларнинг гидрохлоридларини галогенланиш тезлиги ишлатилган эритувчиларнинг акцепторлик хоссаларига боғлиқ. Жараёнда дастлаб галоген эритувчи таъсирида қутбланади ва у билан оралиқ комплекс ҳосил қилади, бу эса ўз навбатида галоген катиони (X^+)ни $C\equiv C$ боғига электрофил ҳужуми учун қулай шароит яратади.

кенг валент тебранишлар тўртламчи азотга хосдир. Карбинолларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади, аммо ингичка ютилиш $3600-3200\text{ см}^{-1}$ соҳада ёрқин валент тебранишлари сифатида намоён бўлади.



1-Расм. 1-Диэтиламинопропин-2 (а) ва унинг дибромаммонийли тузи (б) ИҚ-спектрлари.


XXXVIII-XLI, LVIII-LXI бирикмаларнинг гидрохлоридларини хлороформ эритмасида мис (I) хлорид катализатори иштирокида $25-35^{\circ}\text{C}$ ҳароратда хлорланиши ва бромланиши анча осонлик билан ва қисқа вақтда (25-30 мин.) учбоғ ёнидаги водород атомига нисбатан геминал ҳолатда бўлган транс-дигалоидли (CLXI-CLVIII) аллиламинларнинг ҳосил бўлишига олиб келади (60-66%). Асосий маҳсулотлар билан бир қаторда галоген алмашинган ацетилен аминлари (CLIX-CLXVI) $-\text{C}\equiv\text{C}-\text{X}$ ва ушбу моддага галогеннинг бирикиши натижасида (CLXVII-CLXXIV) $-\text{CX}=\text{CX}_2$ қўшимча маҳсулотлар сифатида ҳосил бўлади. Эритмани сувли натрий карбонат (0,01%) билан нейтралланиши натижасида эркин асослар ажратиб олинади:



бу ерда $-\text{N}(\text{R})_2$ =-диметиламино-, -диэтиламино-, -пиперидино- ёки морфолино гуруҳи; $\text{X}=\text{Br}, -\text{Cl}$.

Ушбу реакция катализаторсиз бир сутка давомида амалга ошади ва реакция маҳсулотларининг унуми нисбатан анча паст.


Галогенларни ароматик халқадаги 4-ҳолатдаги метил, метокси, хлор ва диметиламин алмашган арилацетилен пропаргиламинлари ацетилен гуруҳига хлор ва бромни бириктириш реакцияси уларни гидрохлоридлари ҳолатида хлороформ эритмасида олиб борилди. Кейинчалик эритмани натрий карбонатни 2%-ли эритмаси билан нейтралланиши эркин асосларга олиб келади:



бу ерда $\text{R}=\text{H}, -\text{CH}_3, -\text{CH}_3\text{O}, -\text{Cl}, -(\text{CH}_3)_2\text{N}$; $-\text{N}(\text{R})_2$ =-диметиламино-, -диэтиламино-, -пиперидино- ёки морфолиногуруҳи; $\text{X}=\text{Br}, -\text{Cl}$.

Галогенларни 1,4-бутин-2-илдиаминлар билан реакцияси

Ацетилен диаминларини (ПДА) (IX-XII) гидрохлоридлар ҳолатида хлороформ эритмасида ва Cu_2Cl_2 катализатори иштирокида $25-30^\circ\text{C}$ ҳароратда хлорланиши ва бромланиши ўрганилди. Бунда реакциянинг асосий маҳсулотлари сифатида молекуладаги галогенларнинг (E)-транс тузилишдаги дигалоидли бирикмалари (ССXXIII-ССXXX) ажратиб олинди:




бу ерда $-\text{N}(\text{R})_2$ =-диметиламино-, -диэтиламино-, -пиперидино- ёки морфолино гуруҳи; $\text{X}=\text{Br}, -\text{Cl}$.

Диссертациянинг “Ацетилен бирикмалар асосида турли синтезлар ва олинган моддаларнинг хоссалари” мавзусидаги тўртинчи бобида ацетилен гликоллари дегидратацияси, аминодиенлар синтези, ацетилен аминоспиртларини гидроксил гуруҳини галогенларга алмаштириш реакциялари, уларни гидрогенлаш, ацетилен бирикмалари ва улар асосидаги маҳсулотларни эксплуатацион хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ацетилен диолларини дегидратациялаш.

Ди иккиламчи-, ди учламчи ацетилен γ -гликолларни дегидратациялаш учун янги модификацияланган усул – қуруқ $ZnCl_2$ катализатори қўлланилиши таклиф этилди. Унинг афзаллиги шундаки, реакция шароитида $ZnCl_2$ каталитик миқдорда қўлланилган ҳолда махсулот унуми 80-95% ни ташкил этади. γ -Ацетилен гликолладини (АГ) дегидратациялаш орқали куйидаги схема бўйича тегишли ВАС ва дивинил ацетиленлари (ДВА) синтез қилинди:




Бирикмаларнинг ИҚ-спектрларида метил ва метилен гуруҳларининг симметрик ва носимметрик тебранишлари $3000-2800 \text{ см}^{-1}$ соҳада, $1700-1690 \text{ см}^{-1}$ соҳада эса $C\equiv C$ боғи ёнидаги углероднинг валент тебранишлари кузатилади (частоталар $3106 (\nu_{CH})$ -, 1942 - ва 1845 (обертонлар) -, $1600 (\nu_{C=C})$ -, 970 - ва $945-920 \text{ см}^{-1} (\nu_{CH})$). ОН гуруҳига хос бўлган деформацион тебранишлар эса $3600-3200 \text{ см}^{-1}$ соҳада кузатилади.

Уларнинг ПМР-спектрларида -ОН (1Н 4,7 ppm), =СН- (1Н, 2.4 ppm) протонлари сигналлари мавжуд. Углероддаги протонлар ажралган мультиплет шаклида намоён бўлади, бу эса қўшбоғдаги углероднинг алмашганлигини кўрсатади, шунга кўра -СН=СН- фрагменти мавжуд бўлади. 1,3 м.у. соҳадаги иккига ажралган дуплет сигнали қўшбоғдаги метил ва метилен гуруҳларини бир вақтни ўзида кўрсатади. Метил ва метилен фрагментларнинг кенг чўққилари мос равишда 0,9-1,0-, 1,5-1,6- ва 1,6-2,0 м.у. сохаларга силжийди.

Аминодиенлар - кўп функционал мономерлар синтези


Синтез қилинган этилен аминоспиртларининг галогенли ҳосилаларини дегидратациялаш жараёни ўрганилди ва бунда галоид алмашинган аминодиенлар (ССIII-ССV) олинди:



бу ерда $-N(R)_2$ -диметиламино-, -диэтиламино-, -пиперидино- ёки морфолино гуруҳи; X=-Br, -Cl.

Ацетилен аминоспиртлар гидроксил гуруҳини галогенга алмаштириши


ААС 5-диэтиламино-2-метилпентин-3-ол-2 таркибидаги гидроксил гуруҳини галогенларга алмаштириш хлороформ эритмасида $CaCl_2$, NH_4Cl катализаторлари иштирокида хона хароратида ($15-20^0C$) газсимон водород хлорид ёки концентранган гидробромид кислоталари таъсирида амалга оширилди ва ССVII, ССXI бирикмалар олинди:



бу ерда X=-Cl (ССVII), X=-Br (ССXI)

Ацетилен аминоспиртларини гидрогенлаш

Ацетилен аминоспиртларини каталитик гидрогенлаш сирка кислотасининг сувли эритмасида ва спиртнинг ишқорли эритмасида Реней никели катализатори иштирокида водород юбориш орқали амалга оширилди ва реакция шароитига қараб этилен қатори бирикмалари ва тўйинмаган аминоспиртлар ҳосил бўлиши аниқланди:



бу ерда R=-CH₃; R'=-CH₃, -C₂H₅; -N(R)₂= диметиламино, -диэтиламино, -пиперидино- ёки -морфолино гуруҳи

Аминоацетиленларнинг биометаллар билан комплекс бирикмалари

Синтез қилинган баъзи ацетилен аминларини Cu²⁺, Fe³⁺, Ni²⁺, Co²⁺ ионлари билан комплекс ҳосил қилиш жараёнлари ўрганилди. Лигандлар сифатида ацетилен моно- ва диаминлар, аминоспиртлари ва уларнинг эфирлари ишлатилди. Бунда ҳосил бўлган моно- ва бидендант тузилишга эга бўлган координацион бирикмалар тузилиши дериватографик, кимёвий таҳлил, оптик ютилиш ва ИҚ-спектроскопия маълумотлари натижаларига асосида аниқланди.

Ацетилен бирикмалар ва улар асосидаги маҳсулотларнинг эксплуатацион хоссалари

